

## BOSHQARUV QARORI

2020 y. «1» июль

№ 68/2

### **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Сўнги йилларда банк қонунчилиги соҳасидаги жиддий ўзгаришлар юз бераётганлиги, шунингдек Халқаро молия корпорацияси тавсияларига асосан Банкнинг трансформация қилиниши натижасида ходимларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳозирги ривожланиш босқичида ходимларни ишга қабул қилиш ва уларнинг ротациясини соддалаштириш ҳамда филиаллар ваколатини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель) талабларидан келиб чиқиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомнинг 22-бандига мувофиқ Банкнинг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни ҳамда ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш киритиш Банк Бошқаруви ваколатидалиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Банк Бошқаруви

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Банк Бошқарувининг 2019 йил 26 сентябрдаги 82/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ходимларни бошқариш департаменти директори А.Нодиров зиммасига ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларни маълумот ҳамда ишда фойдаланиш учун барча таркибий бўлинмалар ҳамда филиалларга юбориб, унинг мазмун-моҳияти бўйича филиалларга вебинар ўтказилиши юклатилсин.

3. Методология бошқармаси бошлиғи Ш.Низаметдинов:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар нусхасини маълумот учун Марказий банкка тақдим этиш;

амалдаги ички меъёрий ҳужжатларнинг реестри ва электрон базасига тегишли ўзгартиришлар киритишни таъминласин.

4. Филиаллар раҳбарлари “�зсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини филиалнинг барча ходимларига етказсин ҳамда унинг талабини белгиланган тартибда бажарилишини таъминласин

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Ақбаржонов зиммасига юклатилсин.

**Бошқарув Раиси**

**С.Аннақличев**

Бошқарув Раисининг  
биринчи ўринбосари

А.Ақбаржонов

Бошқарув Раиси ўринбосари

А.Эргашев

Бошқарув Раиси ўринбосари

Я.Абдуроззоков

Бошқарув Раиси ўринбосари

З.Азимов

Бошқарув Раиси ўринбосари

У.Таваккалов

Юридик департамент директори

Б.Норужаев

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий  
менежмент департаменти директори

О.Воҳидов

**Киритилди:**

Ходимларни бошқариш  
департаменти директори

А.Нодиров

Методология бошқармасида  
2020 йил “ 02 ” май да  
362-1 - сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ  
Банк Бошқарувининг  
2020 йил “ 02 ” май даги



**Банк Бошқарувининг 2019 йил 26 сентябрдаги 82/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Низомда:**

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарлигига нисбатан малака талаблари” (рўйхат рақами: 2989, 2018 йил 30 март), “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ҳисобини юритиш Тартиби” (рўйхат рақами: 408, 2020 йил 22 июнь) ва бошқа норматив – ҳукукий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда – Банк) тизимида ишга қабул қилиш, лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартибини белгилайди.”

б) “Кадрлар бошқармаси” деган сўзлар “Ходимларни бошқариш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “Кадрлар бошқармаси бошлиғи” деган сўзлар “Ходимларни бошқариш департаменти директори” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2. Низомнинг 6-банди** қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда тақдим этилган номзодлар Бошқарув Раисининг ёзма ёки оғзаки розилиги олиниб, тегишли йўналишлар бўйича Бошқарув Раиси ўринбосарлари суҳбатидан ўтгандан сўнг, “Лавозимга мувофиқликни баҳолаш комиссияси” томонидан 7 иш куни ичида суҳбатдан ўтишлари лозим.”



**3. Низомнинг 27-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**27. Филиаллар** томонидан Банк номеклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия қилинётган номзодларнинг ҳужжатлари тўғридан-тўғри “Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссия”си суҳбатидан ўтиш учун Бош банкка юборилади.

Бунда, бошқарувчи ўринбосарлари ва бош бухгалтер ўринбосарлари лавозимига номзодлар улар бўйича минтақавий филиал бошлиғи ҳамда мос равишда минтақавий филиал бош бухгалтерининг ижобий хулосаси олингандан сўнг, Бош банкка комиссия суҳбатидан ўтиш учун юборилади.”.

**4. Низомнинг 32-банди** қуйидаги таҳрирдаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Филиал томонидан номзоднинг тегишли ҳужжатлари Бош банкка тақдим этилгандан сўнг, номзод узоғи билан 15 иш куни ичида “Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси” суҳбатидан ўтиши лозим. Ушбу муддат ичида номзод тегишли йўналиш бўйича таркибий бўлинма раҳбари ва Бошқарув Раиси ўринбосарларидан дастлабки суҳбатдан ўтказилади.

Дастлабки суҳбатдан ижобий ўта олмаган номзод Комиссия суҳбатига киритилмайди ва Ходимларни бошқариш департаменти томонидан филиалга ёзма равишда рад жавоби юборилади.”.

**5. Низомнинг 39-банди** иккинчи хатбошиси ҳамда **40-бандидан** “Комиссия Раиси ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

**6. Низомнинг 48-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**48. Филиалларда** мутахассис, 2 - ва 1 - тоифали мутахассис лавозимига номзодларни ишга қабул қилиш ёки ўтказиш масаласи филиаллар томонидан мазкур Низомнинг 3-бўлимида назарда тутилган тартибда минтақавий филиалда ташкил этиладиган комиссия суҳбатидан ижобий ўтганидан сўнг мустақил ҳал этилади.

Комиссия номзод билан бевосита учрашган ҳолда ёки видеоконференцалоқа воситаси орқали ишга қабул қилинаётган бўлимнинг асосий вазифалари, банк хизмати турлари ва мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари ҳақидаги кўникмалари синовдан ўтказилгандан сўнг, номзодни ишга қабул қилиш, лавозимга ўтказиш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилади ҳамда суҳбатдан ижобий ўтган номзод тегишли тартибда расмийлаштирилиб буйруқ чиқарилади.

Бунда, мутахассис, 2 - ва 1 - тоифали мутахассис лавозимларига фақатгина Банк фаолиятига оид олий таълим муассасасининг 3-4 курс ёхуд магистратура бўлими талабаларини (0,5 ставкага), олий таълим муассасасини тугатганига узоғи билан 2 йил бўлган номзодларни ишга олиш, шунингдек, филиал касса хизматида узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган олий маълумотли ходимларни ўтказишга рухсат берилади.

Ушбу лавозимда ишлаётган ходимларни юқори лавозимга тавсия этиш учун мазкур Низомнинг 44-бандида белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш шарт ҳисобланади.”.

7. Низомнинг **49-банди** биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“49. Мазкур Низомнинг 48-бандида назарда тутилган лавозимлардан юқори, яъни етакчи мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимига ишга қабул қилинаётган ёки ўтказилаётган номзоднинг ҳужжатлари филиал томонидан электрон шаклда Банкнинг ички интранет тармоғи “CROBS” дастури орқали Ходимларни бошқариш департаментига лавозимга лойиқлик масаласини кўриб чиқиш учун тақдим этилади.”.

8. Низомнинг **50-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“50. Номзод ва унинг ҳужжатлари тегишли йўналиш бўйича таркибий бўлинма раҳбари, Ходимларни бошқариш департаменти, эҳтиёждан келиб чиқиб мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари бўйича билимларини аниқлаш учун масъул таркибий бўлинма билан келишилгандан (электрон танишув варақаси тўлдирилганидан) сўнг, номзодни ишга қабул қилиш, лавозимга ўтказиш ёки рад этиш бўйича Ходимларни бошқариш департаменти директори томонидан имзоланган кўрсатма хати электрон шаклда “CROBS” дастури орқали тегишли филиал (Амалиёт бошқармаси)га юборилади.

Бунда тақдим этилган номзодлар “CROBS” дастури орқали келиб тушгандан сўнг, 7 иш куни ичида ушбу бандда белгиланган тартибда суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу муддат ичида суҳбатдан ўтмаган ёки ижобий ўта олмаган номзод тўғрисида Ходимларни бошқариш департаменти томонидан филиалга ёзма равишда рад жавоби юборилади.

Зарур ҳолларда муайян йўналишга масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари билан ҳам келишилиши мумкин.”.

9. Низом қуйидаги мазмундаги **70-банд** билан тўлдирилсин:

“Филиалларда ушбу Низом талабларига риоя этилишини доимий равишда ўрганиш Ички аудит ва Ички назорат хизмати томонидан амалга оширилади.”

**Киритилди:**

Ходимларни бошқариш  
департаменти директори

 А.Нодиров

**Келишилди:**

Ички назорат  
департаменти директори



Б.Шоймарданов

Риск менежмент  
департаменти директори



З.Усманов

Юридик департамент Халқаро ҳуқуқий  
муносабатлар ва ҳуқуқий таъминлаш  
бошқармаси бошлиғи



О.Сулаймонов

Методология  
бошқармаси бошлиғи



Ш.Низаметдинов